

Аллоҳ сўраганимизни беради



11:00 / 22.07.2021 2334

Абу Саъид Саъд ибн Молик ибн Синон ал-Худрийдан ривоят қилинади: «Бир гуруҳ ансорийлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан (улуш) сўрашди. У зот уларга ато бердилар. Кейин яна сўрашди, яна бердилар. Ниҳоят, ҳузурларидаги нарса тугаб қолди. Қўлларидаги бор нарсани бериб бўлгач, **«Бирорта яхшиликни сизларга бермай, олиб қолмайман. Аммо ким иффатталаб бўлса, Аллоҳ уни иффатли қилади. Ким беҳожатлик сўраса, Аллоҳ уни беҳожат қилади. Ким сабр изласа, Аллоҳ уни сабрли қилади. Зеро, ҳеч кимга сабрдан кенгроқ ва яхшироқ ато берилмаган»**, дедилар» (Муттафақун алайҳ).

«Солиҳлар гулшани» китобидан